

O'zbekiston adabiyoti va san'ati




1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 45 (4600) 2020-yil 13-noyabr

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ» МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказиш, чекка қишлоқ овулларда ҳам тарғибот тадбирлари ўтказиш, аҳоли руҳиятини кўтариш мақсадида «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

«Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг доираси кенгайиб бормоқда. Сурхондарё вилояти Сароисиё туманидаги 67-мактабда Ўзбекистон халқ шoirи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

«Ижод» жамоат фонди маблағлари ҳисобидан чоп этилган юзлаб китоблар совға қилинди. Самимий суҳбат, савол-жавоб, мушоира тарзида ўтказилган учрашув мутоза ва замонавий адабиёт дарсига, ижод сабоғига айланиб кетди.

Бўлиб ўтган маърифий тарғибот тадбирида пойтахтдан ташриф буюрган олимлар, ижодкорлар иштирок этишди.

Ёдгор САЪДИЕВ:

ТЕАТР ВА ТОМОШАБИН ҲАМНАФАС



Таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев яқиндан бошлаб Ўзбек миллий академик драма театрининг директори вазифасида фаолият бошлади.

— Очигини айтганда, ҳеч қачон ўзимнинг кадрдон театримга раҳбар бўлман, деб ўйлаган эмасман. Аслида эркин бўлиш, эркин ижод қилиш яхши. Раҳматли устозимиз Шукур Бурхонов бир пайтлар: «Яхши артист профком ҳам бўлмаслиги керак», деганди. Албатта, бу ҳазил. Лекин устозлар кўйишмади, жамоа ишонч билдирди.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

ИККИ ХАЛҚНИНГ ШОИРИ

Асрлар мобайнида ўзбек китобхони Низомий ва Фузулийни, озарбойжон ўқувчиси Навоий, Бобур, Огаҳийни ўз шоири деб билган, асарларини аслиятда мутолаа қилган, қийинчиликсиз тушунган.

Бу ҳақда яқинда Тошкент давлат транспорт университетда бўлиб ўтган «Мақсуд Шайхзоданинг адабий мероси ва замонавийлик» мавзусидаги биринчи халқаро илмий-амалий конференцияда атрофлича мулоҳаза юритилди.

Хайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Онлайн тарзда ўтган конференция доирасида университетда янги ташкил этилган Мақсуд Шайхзода номидаги замонавий ўқув зали, бой ва илмий ёндашув асосида тарғиб берилган экспозициянинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

УЧРАШУВ

МАТОГА ТЎКИЛГАН ТҮЙГУЛАР



Таниқли rassom Дилором Мамедова мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган «Менинг Ўзбекистоним» номли экспозицияда ҳали бўёғи қуриб улгурмаган асарларини санъатсеварлар эътиборига ҳавола этди.



ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ» МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Қашқадарё вилоятида “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остидаги маданий-маърифий тадбирлар Таллимаржон шаҳарчасидаги Болалар мусика ва санъат мактабиде бошланди.

Тадбирда сўз олганлар сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, турли соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар хусусида фикр юритишди. Истеъдодли шоира Зилола Хўжаниёзова ўқиган шеърлар ҳамда таниқли актёр Турғун Бекназаров ижросидаги куй-қўшиқлар таллимаржонликларга кўтаринки кайфият улашди. Бир гуруҳ ёш спортчиларга туман ҳокимлигининг совгалари ва фахрий ёрликлари тоширилди. Тадбирлар “Юксалиш” маҳалласидаги Болалар мусика ва санъат мактабиде ҳам давом этди.




Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остидаги тарғибот тадбирлари “Бўдана” маҳалласидаги “Сохибкор” маданият ва аҳоли дам олиш марказида ташкил этилган беш ташаббус бўйича кўргазмали чиқишлар, “Чавки” фольклор этнографик ансамбли концерт дастури билан бошланди.

Тадбир давомида профессор-ўқитувчилар, шоирлар, театр актёрлари, туман маданият бўлими ходимлари юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўзладилар. Айни мавзуда видеолархалар намойиш этилди.

– Бу йил ҳақиқатан ҳам халқимиз маънавий ҳаётида ислохотлар ва янгиланишлар йили бўлди, – дейди Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими мутахассиси

Зухра Эшонқулова. – Мақсадимиз халқимизни порлок келажак сари руҳлантириш, турмуш фаровонлигини оширишга қўмаклашиш ва пандемия туфайли тушқунликка тушган кишиларга кўтаринки кайфият улаштиришдан иборат.

Республика тарғибот гуруҳи аъзолари Бухоро вилоятидаги “Турки Жанди” маҳалласида ҳамда 29-мактабда кизгин учрашувлар ўтказдилар. Тадбирлар доирасида оммавий спорт мусобақалари ташкил этилди, унда мактаб ўқувчилари, нурунийлар, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, волейбол ва баскетбол каби турлари бўйича беллашдилар.



ИККИ ХАЛҚНИНГ ШОИРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

– Мақсуд Шайхзода миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган шоир, драматург, таржимон, олим ва педагогдир. Унинг жўшқин поэзияси, теран фалсафий фикрлар, умумлашмаларга бой илмий асарлари, эхтиросли публицистикаси, юксак дид ва нафосатга йўғрилган шеърли таржималари адабиётимиз хазинасига олтин фонд бўлиб қўшилди, – дея таъкидлади анжуман очилишида сўз олган Тошкент давлат транспорт университети ректори Одил Қаландаров.



Мақсуд Шайхзода Ойбек, Гафур Гулом, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби атоқли шоир ва ёзувчилар билан бир сафда туриб, ўзбек адабиётини янги юксак босқичга кўтариш йўлида баракали ижод қилди. Унинг халқимиз томонидан севиб ўқилаётган асарлари бугунги кунда ҳам ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтиришда, маданий-маърифий оламини бойитишда беиннат хизмат қилиб келмоқда.

Озарбойжонда туғилиб ўсган Мақсуд Шайхзода адиб сифатида Ўзбекистонда камолга етди, беназир ижоди билан икки халқнинг бир фарзандига, икки халқнинг сеvimли шоирига айланди.

Ёш каламқашнинг дастлабки “Ўн шеър”, “Ундошларим”, “Учинчи китоб”, “Жумхурият” номи тўпламлари адабиёт оламига ўткир овозли шоир кириб келганини аниқлаган эди. Нозиктаб, нижафез, донишманд шоир ўша пайтдан бошлаб содиқ мухлисларга эга бўлди. Ижодининг кейинги даврларида яратган шеърлари, баллада, дostonларини бадий сўз ихлосмандлари зўр чанқоклик билан кўтиб олар эди ва бу асарлар хозирга қадар севиб мутолаа қилинади.

Хусусан, адибнинг мўғул босқинчиларига қарши ватанпарварлик курашида жасорат ва матонат кўрсатган мохир саркарда Жалолиддин ҳақидаги “Жалолиддин Мангуберди” драмаси адабиётимизда, шу асар асосида улўғ режиссёр Маннон Уйгур сахналаштирган, бош ролларни буюк актёрлар Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов ижро этган спектакл театр санъати соҳасида алоҳида, айтиш мумкинки, тарихий воқеа бўлиб қолди. Ойбек ва Гафур Гулом: “Ўзининг фикрий ва бадий тўлғинлиги, юксаклиги жиҳатидан “Жалолиддин Мангуберди” бизнинг драматургиямизда юқори пойни ишғол этади”, деб эътироф этган эди.

Шоирнинг 1958 йилда яратилган “Тошкентнома” лирик дostonи Ватанимиз пойтахтини мадҳ этган энг гўзал асарлардан биридир.

М.Шайхзода мохир таржимон ҳам эди. Адиб Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Ромео ва Жулетта” драмаларини, Пушкиннинг “Мис чавандоз”, “Моцарт ва Сальери”, Лермонтовнинг “Кавказ асири”, Маяковскийнинг “Жуда соз” дostonларини юксак бадий савияда ўзбек тилига ўтирган.

У улкан салоҳиятга эга адабиётшунос олим, мумтоз адабиётимизнинг зўр билимдониди эди. Айниқса, Алишер Навоий меросини ўрганишда зўкко тадқиқотчи сифатида намоён бўлди. Унинг “Тенал шоир” мақоласида келтирилган “ғазал мулкнинг султони” деган таъриф Алишер Навоийга берилган энг гўзал сифатлардан. Барча туркий халқлар қадрлаб ўқийдиган “Алломиш” дostonи, умуман, халқ оғзаки ижоди таҳлилига бағишланган тадқиқотлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас.

Онлайн конференцияда сўз олган филология фанлари доктори, академик Наим Каримов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаев, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият маркази ходими Киёфот Пирмухаммедова, Жалолобод (Қирғизистон) давлат университети доценти, филология фанлари доктори, профессор Муяссар Мирзохидова, Қозоғистоннинг Сулаймон Демирал номидаги университети доценти, филология фанлари номзоди Бота Ҳасен, адабиётшунос олима Олмас Гафурова ва бошқалар улўғ шоир Мақсуд Шайхзода ижоди, ҳаёти ва ўлмас асарларининг муҳим хусусиятлари ва долзарб жиҳатларига оид кузатувларини баён этидилар. Маърузачилар томонидан улкан шоирнинг бадий юксак адабий меросини туркий халқлар тарихи, маданияти, кадриятлари рамзи сифатида чуқур тадқиқ ва кенг тарғиб қилиш муҳим экани кайд этилди.

Тошкент давлат транспорт университети мутахассиси ва олимлари томонидан аллома шоирнинг “Мукаммал асарлар” тўплами қайта чоп этиладиган, шунингдек, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Мангуликка дахлдор ижод” илмий-оммабоп рисоласи тайёрланиб, ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр қилинадиган бўлди. Ушбу асарларни озарбойжон, қозоқ, кирғиз тилларига таржима қилиш ҳамда Озарбойжон, Қозоғистон ва Қирғизистонда китоб тарзида кенг жамоатчиликка етказиш мақсадга мувофиқ экани таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, келгусида “Шайхзода комуси”, “Шайхзода ҳикматлари” китобларини яратиш ҳам муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасида қардошлиқ ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда адабиётнинг, бадий сўзнинг аҳамияти ва кучи беқиёс экани халқаро конференция жараёнида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Атоқли шоир ва донишманд адиб Мақсуд Шайхзоданинг бой ижодий мероси ўзи бадий тимсолини яратган буюк тарихий сиймолар каби тарих ва ҳаёт сахнасида “мангу тирик...” бўлиб яшайверади.

Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ

АДАБИЁТ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Уюшма вилоят бўлими, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликдаги тадбирлар Қўқон адабий муҳитининг атоқли намояндalари Муҳаммад Аминхўжа Муқимий таваллудининг 170, Аскаралар Чархийнинг 120, академик Азиз Қаюмовнинг 95 ва профессор Лазиз Қаюмовнинг 90, таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўқтамнинг 60 йиллигига бағишланди.

Уюшманинг вилоят бўлими ва Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти ҳамкорлигида “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар” мавзусида онлайн илмий-назарий анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Энаҳон Сиддиқова, Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов, профессорлар Боқижон Тўхлиев, Шо-

ира Аҳмедова, Нурбой Жабборов атоқли адиблар ижоди ва таниқли олимларнинг адабиёт соҳасига қўшган хиссаси ҳақида сўзладилар.

Адабиёт кунлари давомида Қўқон шаҳар мусикали драма театрида “Муқимий ва Чархий: икки миллий руҳият булоғи” мавзусида илмий-адабий анжуман ташкил этилди. Унда адабиётшунослар О.Жўрабоев, А.Турдалиев, Ҳ.Ҳамроева, З.Қобилова ижодкорларнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритишди. Театр актёрлари томонидан Муқимий, Чархий, Аъзам Ўқтам шеърлари асосида тайёрланган адабий композиция намойиш этилди.

Бувайда туманида бўлиб ўтган истеъдодли шоир Аъзам Ўқтам таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тадбирда Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчилари шоир шеърларидан ўқишди.

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ – БАҲТ ТИМСОЛИ

Озод ва обод Ватанимиз – Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ҳам бизни улўғ максadлар томон бошловчи буюк тимсолдир.

10 ноябрь куни “Давлат байроғи тўғрисида”-ги конун қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти ташаббусига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида “Давлат байроғи – баҳт тимсоли” мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази раисининг ўринбосари, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мухтарама Улуғова, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистон халқ артисти Замира Сунонова ва бошқа ижодкор ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Тадбир давомида Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти ходим ва курсантлари Ватанин мадҳ этувчи шеърлардан ўқишди.

ЯНГИ БОҒ

“Яхшидан боғ қолади”, дейди доно халқимиз. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Дўрмон” ижод уйи худудида Иброҳим Гафуров, Ортиқбой Абдуллаев, Ўрзобой Абдурахмонов, Мирзо Кенжабек, Шарифа Салимова, Фаридо Афрўз ва бошқа ижодкорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари иштирокида турли хил манзаралар кўчатлар экилиб, янги боғ барпо этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ банки ўртасида тузилган “Дўстлар клуби” доирасида уюштирилган ушбу хашар адибларни янада руҳлантириш, уларнинг ижод қилишлари, хордик чиқаришлари учун шарт-шароит яратиш йўлидаги амалий ишлардан бири бўлди.

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ!

ТОҒДА ЯШНАЁТГАН БОҒЛАРИМ

Бу ёруғ оламда инсондан қоладигани – яратган боғларидир. Ўзбек бобом билан отамнинг умри чўққилар бағрида сўлим боғлар бунёд этиш билан ўтди. Бобом хар гал ниҳолларни ерга қадаётганида қафтидаги тупроқни сикимлаб-сикимлаб ер билан диллашарди. Бобомнинг хатти-ҳаракатларига ҳайрон қолиб у кишидан сўрардим:

— Бобо, тупроқнинг қулоғига нималар деб пичир-ляясисиз?

Бобом қуларди:

— Эй жўра, сенинча бу боғлар ўз-ўзидан бунёд бўлганми? Тупроқни эъзозламасанг, у сенин меҳнатингни қадрламай қўяди.

Ушбу ҳолатни ёши тўқсондан ошган кекса боғбон Носирхон ота Тўрақулнинг боғларида ҳам кузатганман. Кекса боғбон умрини Сарносиё туманидаги Тоқчи кишлоғининг қирларига бахш этди. Отаҳоннинг лалми боғларини кезганингизда ҳаёлингизда эртақлардаги афсонавий манзаралар ҳадис меҳр кўйиб деганди:

Пешвоз чиқди бизларга
Оппок либос кийган чол.
Ўхшар эди Хизрга
Бизни кутган оқсоқол.

Мен у чолнинг қафтида,
Кўрдим қадок борлигин.
Боғ яратиш дунёда
Қанчалар душворлигин.

1991 йилнинг баҳориде раҳматли Чўпонқул тоғамиз билан бирга Носирхон отанинг дуоларини олиб, у кишига ҳавас қилган ҳолда Пиряхтоғ этакларида жойлашган Шотирўд кишлоғимизда боғ бунёд этишни ният қилдик. Сўнг оқсоқолдан хар биримиз хар кучоқдан ниҳолни олиб кирга кўтарилдик... Мана, хаш-паш дегунча ўша воқеадан бери йигирма тўққиз йил ўтди. Чўпонқул тоғам ўзи яратган боғларига ҳадис меҳр кўйиб деганди:

— Инсон ўз қўли билан яратган боғидан фарзандлари каби хузур-ҳаловат топаркан.

Тоғамнинг умрлари қисқа экан, аммо у кишининг сўлим боғлари тоғлар бағрида ханузгача яшнаб турибди. Баҳорда қушлар чуғурлашиб, боғнинг балхи туллари тираётганида тоғамнинг ҳам дуойи жонларини қилишса, ажабмас...

Сўзимнинг давомида устоз боғбонларнинг изни билан қирларда қурган ўз боғим ҳақида ҳам ҳикоя қилмоқчиман. Боғ қилиш ҳақида кўнглимда иштиёқ пайдо бўлганида негадир дилимдагини отамга айтишга иймандим. Сабаби отамнинг умри Фарҳоддек тоғларда тош қазиб билан ўтди. У киши бизлар учун кўп боғлар барпо қилган эди. Тоғларда боғ қилиш истагини борлигини, уни отамга етиғи билан тушунтиришини онамдан илтимос қилдим. Онам бу масалани отамга етказиш қийинлигини сезса-да, раъийини қайтармади.

Мен яратмоқчи боғнинг ташвиши ҳам отам зиммасига тушиши аниқ эди. Ҳўлла, шунга қарамай онамиз бир амаллаб отамни кўндирибди.

Отамдан: «Эртага қиямат келишини билсангизлар ҳам қўлингизда турган ниҳолни ерга қадаб қўйинг!» деган ҳадис борлигини эшитганим. Шунинг учун ҳам боғ қилишга иштиёқим борган сайин ортиб борарди. Кейин Исқандар тоғнинг этагида боғ қилишга бел боғладим. Юзлаб ниҳолларни ерга қададик. Истиклол тенгдоши бўлган у боғларга бормаганимга йигирма йилдан ошди. Сабаби, бир пайтлар Сарносиё тоғларига чиққан қора ниҳатли кишилар эл тинчини бузиб, уларни олти юз йиллик нурли оламидан мосуво қилган эди... Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан адолат қарор топди. Бугун юртимизнинг хар қарич тупроғи гуллаб-яшнаётти. Беихтиёр бузрукворимизнинг сўровли сўзлари ёдимга тушиб кўзларим ёшланади. Отам умрининг охирида тоғларда бунёд қилган боғларини яна бир бор чиқиб кўришини кўп бора орзу қилганди. У киши хар борганимда:

— Болам, тоғлар бағрида юрагимнинг бир парчаси бўлган ватанин қолди. Тоғдаги боғларимни бориб кўргим келаяпти, – дея армон қиларди. Отамнинг юрагига таскин бериш учун мен ноҳол у кишига қараб:

— Ота, тоққа чиқиб учун икки кун пиёда йўл юриш керак, кекса одамга йўл азоби огирлик қилади, – дердим.

АХТАМҚУЛИ

КҒА

Достон

Саратон.
Оқшом.
Катта кўл соҳили...
Ойнага тушгандек кўринар аксим.
Чайқалар тулпорлар ёлидай тўлқин,
Югурган мавжлари солади гўлу,
Ўз ичимда жимирлаган теран кўл,
Ютмоққа уринар,
суринар...
Аксим сувда тебранар,
чайқалар,
Сув чопар.
Ирмоқлар таралган панжаларим каби.
Қай бири шолитор сари боради елиб.
Бир ирмоқ интилар бог томон,
Файёд Хамис сатрларидек узайиб.
Яна бир ирмоқни ютар пахтазор.
Эҳ-хе қанча-қанча улкан, чексиз худуд,
Сувга зор кечаю кундуз.
Таркиб топаётган гўзаллик учун,
Пабло Неруда янглиг,
“Мен конранг кўл учун
тайёрман ўлимга”.
Кўл уфқларин ортида балки
Менинг қабрим бўлар
пастдак ва ғариб.

1

Соҳил...
Қадим,
Қари кўл ўртасида,
Балки,
Нариги қирғоқда,
Қамишлар шитирлаб кўшиқ куйлашар,
Овози уфқлар каби бепоён,
Тўлқинлар тебранар бешиқ мисоли,
Соҳилдаги майсалар,
Мунис дарахтлар,
Мажнунтол бош эксан азадор каби.
Тик жарликни ўпириб
лойқаланиб оқар сув.
Гоҳ кузги япроқдек саргаяр,
Гоҳ қораяр тундек.
Тондек оқарар.
Тиник сувга қўшилар секин-аста.
Сувнинг синиқ шовуллашида
Ғариб шодлик кезар руҳим ичра.

О, кўл оғушида мен билмаган гўлу...

2

Соҳил...
Қирғоқлари қартайган,
чайналган кўл,
Ажинларимдек узун тўлқинлар,
Олис-олисларга чўзган Кўл.
Қай бир чети чўл,
Ястанар ёлғизоёқ йўл.
Қай бир чети ажриқзор,
Ўтлар қўй,
сигир.
Қўй боққан эдим болаликда соҳилда,
Тенгдошларим ила,
“Подшом-подшом” ўйин ўйнаган
нурли кундузлар.
Ажрик поугин юлардик,
Яширардик қафта.
Энг қўп попуқлиги кимга чиқса,
Ана, ўша подшо аталган.
Қўп подшо бўлганман ўшанда мен.
Ўртоқларим тиз чўккан.
Афсус,
бугун оламга боқаман махзун...

Бешиктебратар мисоли тебранар кўл.

3

Соҳил...
Болалигим ўтган ҳовли этагида
кўл бўларди.
Суви шу қадар сокин,
тиник эдики,
ёз осмонига ўхшаб кетарди.
Кўлнинг қирғоғида
энам каби букчайган толлар
серпошук сочларин
сувга чаяр.
Кўлдаги қамишлар
хилқатдай чорлаб болалигимни
шовуллаар.
Ўша кезлар
мовий кўл бағрига шўнғирди болалигим.
Кумуш тангаларин кўз-кўз этаётгандай,
кўкка сапчирди ялт этиб балиқлар.
О, кўл бўйлаб
балиқлар-ла сузишарди болалигим...
... Буқун ўшал кўл,
ўшал балиқлар йўқ ҳаёт уммонида.
Бироқ,
хотиротим кўлида ўшал балиқлардай
сузиб юрар ҳамон болалигим.
Ўқтин-ўқтин
ўшал балиқлардай
болалигим сапчир хотиротим осмонига.
Чайқалиб кўл оқ нурлар тараттай.
Бетиним шовуллаар ҳамон ўша кўл.

4

Соҳил...
Бир четда солланган —
кўкка бўй чўзган дарахтлар,
Боши узра паға-паға булутлар.
Зангори сочларин чаяр сувга
келинчак толлар.
Оқ яктак эғнида чоллар —
яқин ва ўтмишдан сўйлашар.
Атрофда майсалар шивирлар.
Бир четда бинолар юккак —
гўё навқирон йиғит керган кўкрак.
Қадимий қальалар
Бош кўтарган мағрур.
Балки, олис келажакка ҳам
биз хақимизда кекса
қальалар

Хикоялар айтур...

Тарихларга макон ота кўл.

5

Соҳил...
Бола эдим,
Ҳеч нарсадан қўрқмас,
Осмонга сакрардим,
Дулдул тулпор янглиг.
Ўзгир шамолларни кўл билан тўсар эдим.
Зовур,
ариқ мавжларида сузиб ҳаммадан
ўзардим...
Бир кун оқшом,
Қишлоқ узра,
Кўтарилди
дол
фарёд
ийги,
турфа овозлардан чўчиб,
кўрқиб,
Онамнинг пинжиги яшириндим мен.
“Қарқидон тўғонин бузибди”,
узун хайқирик,
Ҳавода изғиди қора совуқдек.
Эл ўзин йўқотди,
Эл сўзин йўқотди...
Уйлар қолди эшиқлари ланг,
Қишлоқ кўчалари хувуллар,
Шамол увиллар...
Толмозор адирларида отди тонгимиз.
Ўшанда англадим —
Оғир экан юракка тушган ваҳима...

Кўл эса боладек қикирлар губорсиз.

6

Соҳил...
Зотан,
Қадим тарих ҳеч нарсани унутмас,
Олтин саҳифаларда асрар бус-бутун.
Ҳар лаҳза,
Ҳар кун,
Ҳар йил
ўтмиши ила тарих қасрларига устун.
Улкан кўлга тикиламан ҳорғин,
толғин.
Ичимдан отилгай вулқон.
Зеро сув балоси, ўт балоси бу дунёда оғир,
аянчли.
Юракларга қолдиргай битмас, қонли яра.
Ва қўрғоғиндек залворли ўқинч.
Не замон-ки,
Арқон узган буқа каби,
Ўзан бузган,
бўрондек ўқирган сув.
Не-не қишлоқ,
овул,
кентлар узра
кутирган шер каби сакраган.
Эй вох,
Бешиқ чақалоғи ила
ағдарилиб-ағдарилиб қайиқдек қалққан.
Сигирлар,
қўйлар,
гўла-тўнка хасдек оққан думалаб.
Асов қудрат,
сўқир ғалаён.
Новдалари чайир дарахтлар синган,
этилган...
Пастдек гувала уйлар,
бахайбат қасрлар
лойларга қоришган.
Товуқлар,
куёнлар ўзин хар ён отган.
Ковақларда ётган илон,
калтақесаклар,
Сув узра сузган.
Бир дам борлиқ ўзин йўқотган.
Гўё қора булут оламини қоплаган.
Сув улаган.
Дунё гувиллаган.
Зангори далалар —
гўдақ қулоғидек гўзалар,
руҳни сармаст этган ялғизлар,
Қиз сочидек майин бугдойзор,
Қадим тўқайзор
Соқин қабристон,

Не тонг,
бўлса пайхон?!.
Йўқ,
йўқ,
Тўхтасин миробнинг юрак томирлари
тор симларидек узилмай,
Гувраниб оқаётган сув узок-узокларга
чўзилмай тумандек,
У телба мисол тўрт тарафга аланглаб,
У ён чопган,
Бунё чопган.
Тун янглиг сочлари бир лаҳзада
оқарган қордек.
Осмонга кўл чўзган,
Оллоҳга айлаган илтижо.
“Исмин Тўхтасин ўзимни сувга оттайман,
То-ш-қин, то-ш-қин тўх-та-син” дея,
Бутун жисми,
Бутун вужуди,
Ва куч-қудрати ила
Сув ўпирган ўпқонга мангу бўлган тўғон.
Бунча қурбонларга зорикқан кўл.
7

Соҳил...
Не-не қилмишларга гувоҳ бўлган кўл.
Қишлоқ тегирмончиси олакўз
Мусурмонқул,
Тегирмонга бугдой олиб келган
хар кимсадан
Яширинча олиб қолар экан бир ховуч ун.
Ҳеч ким билмас экан бу олғир кўлдин.
Йиллар ўтаверган қолдириб гардин...
Бир бева —
этаги тўла етим-есир,
Ризқ-рўзин қийган уларнинг ҳам.
Кунлар чопаверган, очилмаган сир.
Ахир,
Дунё ўзи бир кам...
Ё фалак,
Бир кечала,
Бадан-баданига тегирмончининг
Оқ доғлар тушган.
У ойнага боққан дам,
Ич-этин қийма-қиймалаган ўқинчу алам.
Сичқондек кемирган юрагин пушаймон.
Рухи чақмоқ урган дарахтдек...
“Тома-тома кўл бўлур” деганларидек,
Томчи-томчи иймонини симирди,
Ўз умрини ўмарди,
Тириқлайни ўзин қафанга кўмди.
“Бой бўлурман мен ҳам бир кун,
сурурман давру даврон... деб ун эмас,
нечун иймон сотдим?
Виждонимни қора ерларга отдим.
Лойларга қориндим бу кун мен,
Балчиқка ботдим.
Ҳар лаҳза,
Ҳар қадамимда ботмон-ботмон гуноҳ,
Яшаш ўлим эй вох”...
У ўзин чапг босган тошдек отди
кўл қаърига.
Бунчалар синоат-сирларга
яширин кўл?!.
8

Соҳил...
Отаси шолитор ўтган Муродбой,
Бир четда,
Кечиб лой,
Кечиб жон,
Шоли экар экан тиним билмай.
Зотан, у
Болаликдан ота изидан
оралаган шолитор.
Шоли поялари орасидан
дунёга мўралаган беозор.
Эҳ, босганда вужудин зах
Алдек тортмай “оҳ”,
Катталардек бола шолиторда ётган.
Балки,
Ўшанда “қора” тонглари отган
Балки бефарзандлик доғи
бошланган ўшанда...
Гуруч қотганда,
Чорлар экан у
Юрт ахлин хашарга.
“Шолидек мўл,
гуручдек улуг,
Ато этсин болалар” дея,
Шоли улашар экан хар жонга.
Ажойиб умиди бор экан
Тирноқка зор ўтган Муродбойнинг.
Эй оруз-армонларга ғарк кўл.
9

Соҳил...
Сув узра кўринди ажабо,
Мўйлаби сабаз урган навқирон йиғит.
Сузар эди,
Юзар эди у
Балиқка ўхшаб кетарди.
О, кўллари гўёки қанот,
Жисмида тошгай, ғайрат-шижоат.
Ажаб,
Осмон сари талпинар,

Юлдузларни бўйларди гўё.
Эсласам,
Энг порлоқ юлдуздек кизни севган эди у.
Юрагида бор эди бир ноёб туйғу.
Ишқ уни ёндирди, ёнгани каби Мажнун.
Бир кун,
Бир тун,
Кўли узун шамол севгилисин олиб қочди
кўз етмас ёкка.
Эҳ у,
Етолмади шамолга.
Охир балиқ бўлишни тугди кўнгилга.
У ўзин отди кўлга.
Ҳеч ким уни тополмади...
Ҳар кун соҳил бўйлаб кезар онаси,
Балиқларга тикилар меҳр ила.
Она кўз ёшига тўладир катта кўл —
Шаффоф кўз ёшларга!
10

Соҳил...
Сув узра юзар оқ атиргул.
Унга тикилсам мен,
Қуядир бағрим.
Япроғи доғ.
Эй вох,
Гул топталган,
эзилган,
сўлиган.
Гоҳ қалқир сув узра,
Гоҳ балқир сув узра,
Гоҳ ютар гирдоб,
Вужудига изтироб.
У хўрланган,
зўрланган,
Маъсума қиз холига ўхшар
менинг наздимда.
Бунча бешафкат бўлмаса кўл.
11

Соҳил.
Юрагим қаърида сардоба,
Қалқир,
Балқир.
2020 дунё ҳаётида энг оғир,
энг шафқатсиз йил.
Баҳор... Сардоба узра ёпирилди
қора кушлардек булут,
Момоқалдирак ағдарди
гўё харсангтошларни,
Чақмоқ йиртди булут қўксини,
Сел куйди.
Шамол қўзғалди,
Сув гувиллаб чайқалди.
Тўлқинлар қафасдаги бургут мисол
қутурди.
Қирғоқни емирди,
кемирди,
симирди.
Ўзанидан тошди сув,
Ўзанидан ошди сув...
Рўза. “Сахарлик”. Эл уйғоқ.
Сардоба кенглигин чулғади хайқирик.
Юракларда оғрик.
Тўс-тўполон,
Ҳар ён...
Сув кўтарган исён.
Ёқалар чок-чок сўкилган.
Не тонг, пайдо бўлди
Сардоба осмонида бир Оққуш.
Қанотида улкан, жасур бир Юрак.
Атрофга кўз ташлади жонсарак.
Бир зум тин олди замин.
Бир зум тин олди фалак.
Ёришди она-Ер.
Ёришди осмон.
Ёришди кўнгилллар.
Бир зум янги либос кияётган
Ўзбекистон қалқиди...
Турналар янглиг тизилди
бунёдкор кўллар,
Кеча-кундуз тиним билмай малҳам топди
шиқастланган Сардоба.
12

Соҳил...
Балиқлар сапчир осмонга,
Кумушдек тангалар ялтирар.
Тун пардасин йиртар бешафкат.
Сув жимирлар,
Уйғонар тўлқинлар...
Кўл оғушида
Олтиндек сочларин тўзгитиб ой чўмилар.
О, қандай гўзал,
Ойнинг ўзидан-да афзал.
Юрагимда ажиб туйғу қўзғалур.
Ўт кетган дарахтдек ёнар вужудим.
Кўзимни олмасман чўмилаётган ойдан.
Кўз интилар,
Интилар вужуд.
Кўлга отаман ўзин
Ай, балиқдек шўнғийман,
Кўлларим эшакка эврилгай.
Гоҳ сузаман сув узра,
Гоҳ сузаман сув қаърида.
Чарчаш нелигин билмасман сира.
Ўзим бунёд этган тўлқинлар ютар домига,
Кўл қаърига.



Мен сузаман бетин,
беором.
Чўмилаётган ой сари сузишинг
ўзи бир ором.
Гоҳ сув ютаман
Димқиқар нафасим.
Осмон бор-ку
Ҳаво йўқ.
О, тинар сасим —
ўламан,
тамом...
Қулоғимга инади бир наво.
Яна мен кўл ичра тирикман ҳамон.
Кўзларимда чўмилаётган ой.
Талпинар вужудим,
Талпинар қўлим,
Ёришар йўлим.
Тагин сузаман мен чўмилаётган ой сари,
Кўлим кўлга айланар.
Отаман қулоқни жадалроқ,
Гўёки узатсам етгудек кўл.
Сузаман,
қулоқни кенг отиб.
Ой эса тобора қочар меида.
Кўксимда чалинар бир садо.
Кўл чўзаман чўмилаётган ой сари,
Бўй чўзаман чўмилаётган ой сари...
Унинг-да борлиги ёнар,
мени чорлар.
Ул-да,
сув узра балкиб,
қалқиб,
қайга борар вужудин ёқиб?!.
Мен кема шамойилида бораман
Шамоллар қаноти парвози ила.
Кўзларим қўлида узаниб оқар ой,
Кўлларим чўзаман сочларига унинг.
Ой бермас тутқич,
Бир олсам эди ўпич.
Синар эди руҳим ичра ўқинч.
Кўлда ой сузади, дилда ажиб туйғу.
Кўл омонсиз хайқирик.
Тўлқинларда исён.
Мен ўлиб,
Гоҳ тирилиб,
Сузаман сув бағрин синдириб.
Қалбимда ёнаётган севги.
Эҳ, умид қуллари урар барк.
Бир сўнмас,
бир порлоқ туйғу,
Юрагимда туташар.
Баъзан қақшар танам,
Ой чорлар сўтдек сеҳру жодуси ила.
Оҳ қандай гўзал,
Кўз узиб бўлмайдим.
Қарасанг ўзингга эврилар Дунё!
Оҳ, чарчадим,
толдим.
Чорасиз қолдим,
Ўзин йўқотдим.
Интиганим сари чўмилаётган ойга,
Ёндирар,
қуйдирар севги
Мен ёзиб кўлларим,
Янада шиддатла отаман қулоқ.
Атрофим тўла хас-хашак,
Ўлик итлар теграмда оқар.
Оқ,
Қора,
Қонли қўшиқлар,
Ип янглиг чўзилган шилмишиқлар
чуваланар.
Илонлар таҳликада.
Ёнимда изғир,
тўзғир,
сув мушуклари.
Саробдек жимирлар йўлларим.
Мен барибир сузаман:
оғочга айланар кўлларим.
Мен ўлдим,
қуйдим,
Ишқ йўлида чорасиз қолдим.
Ана,
кўлда чўмилаётган ой
Мени имлар,
чақирар малак товуши ила.
Эй вох,
Сув ҳам ёнмоқда!
Биллур ёнғин...
Ва сўтдек оқариб кетар Кўл суви.

Алишер Навоий таваллудинини 580 йиллиги

БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

«Нуктайи холинг недин...»

«Ғароиб ус-сигар»

45-ғазал

Юз сўзундин бирига бермас жавоб ул нўшлаб, Оғзини йўқтур десам вокъки, ҳеч эрмас ажаб.

Нуктайи холинг недин ширин лабинг устидадур, Нукта чун остин бўлур хар қайдаким ёзилса лаб?

Васл не янглиг муяссар бўлгусидур, чун эрур Дилбарим нозукмизожу мен бағоят беадаб.

Гар қуёш дерлар юзунгни, гарм бўлур чекма тийг, Элга журме йўк, инар чун осмондин хар лакаб.


Лаълинг олса чоклик бемор кўнглумни, не тонг, Эй малоҳат нахди, чунким хастасиз бўлмас рутаб.

Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлога хай, Бас не осиг ани хайдин қовламоғлиг, эй араб.

Талиб ўлким топмасанг дағи бу баским, айламас Бир нафас гофил сени матлуб ёлидин талаб.

Қаҳр барки бирла раҳмат ёмгури гар буйладур, Эмин эрмас Булғало, навмид эмастур Булаҳаб.

Гар наво топса Навоий лабларингнинг зикридин, Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тараб.



“Махбуб ул-қулуб” асарининг ўн олтинчи фаслида Алишер Навоий шоирларни бир неча гуруҳга таснифлаб, биринчи гуруҳга шерьда “асрори илохий адоси”ни мақсад қилган Аттор, Румий ва бошқа валийсифат шоирларни, иккинчи тоифага эса, ўзининг ғазал тавридаги устозлари – Амир Хусрав Дехлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозийни мансуб қилиб, “ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут (омухта) қилмоқ”ни улар услубининг асосий белгиси деб таърифлаган. Бу ғазал ҳам ана шу услубда – ҳам мажозий муҳаббат ва ҳам ишқи илохий тараннуми йўлида битилган.

Ғазалнинг мажозий маъносидан қуйидаги манзара ҳосил бўлади: лаблари болдек ширин маҳбуба ошқининг юз саволига бир мартагина жавоб беришдан ҳам эринади. Унинг оғзи шунчалар кичик ва кўримаски, барча сўроқларга сукут ихтиёр этганидан оғзи йўқ деса ҳам бўлади (истиора, тазод, муболага санъатлари). “Лаб” сўзини араб ҳарфлари билан ёзишда кода бўйича нукта арабча бе харфининг остига ёзилади, ammo ёрнинг қора холи лабининг устида жойлашиб, жонларга минг шўриш солади (китобат, ташбихи киноя ва таҷоҳул ул-ориф санъатлари). Бундай таъби нозик дилбар билан ошқидек одоб кўчасидан ўтмаганлар висол базмини куриши имконсиз (тавсиф ва тазод санъатлари). Агар одамлар ёрни қуёш десалар, ёр бундан кизишиб, жазо ва жафо тигини тортмасин, элда гуноҳ йўк, ахир “исмлар осмондан тушади” деган гап бор (таносуб, истиора, хусни таъдил санъатлари). Агар лаъдек кизил лабинг чок бўлган кўнглимни олса, ажаблан-

маслик керак, чунки хурмо барча хасталикларга даводир (истиора, тавсиф, нидо, хусни таъдил санъатлари). Мажнуннинг кўнгли Лайли ишқига макон бўлгандан кейин уни овулдан хайдамоқликдан Ҳойда йўк (талмих, нидо, таҷнис санъатлари). Ҳамиша ёрнинг талабиде бўлмоқлик керак, матлубнинг ёди толибни талабдан гофил кўймаслиги ёрни топмаслик дардида даводир (тазод, иштиқоқ санъатлари). Фасоҳатли баён услуби, дақиқ маънолар ҳамда сатрлар силсиласида туйғу ва кечинмаларнинг тадрижий тақомили ишқ дардида ошно бўлганларга кўтаринки кайфият бағишлайди, шерьхон ошик қахрамоннинг ўрнига ўзини кўйиб, “нўшлаб”нинг тавсифларидан оламжаҳон маънавий завк олади.

Кейинги байт мазмуни эса ёрнинг тимсолини англашда микёс ва қамровни кенгрок олишни талаб қилади:

Қаҳр барки бирла раҳмат ёмгури гар буйладур,

Эмин эрмас Булғало, навмид эмастур Булаҳаб.

Аллоҳнинг қаҳрорлик сифатидан Абулғало Маъаррийдек таъвдид куйчи осмонликда эмас, ёмгур томчиларидан ҳам беҳисоб раҳматидан эса Абу Лаҳабдек ислом душмани ноумид бўлмас, дейилади бу байтда. Мазкур талмих руҳий тарбиянинг асосий тамойилларидан бири – хавф ва рижо (хавф – Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиш; рижо – унинг марҳаматидан умидвор бўлиш) макомининг бадий талқинидир. Абу Али Рўдборийнинг айтишича, хавф ва рижо – бир қушнинг икки қанотиридир. Рух қушининг

ушбу икки қаноти агар мутаносиб бўлса, юксак манзилларга кўтариларилади.

Мазкур талқинга таяниб, ғазални тасаввувий йўсинда шарҳласак, янги маънолар хазинаси эшиги очилади. Тасаввувий манбаларга кўра, лаб – пайғамбарларга маънолар оламидан малаклар воситасида, авлиға эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илохий маърифатга лиммо-лим сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Лаб суви оби ҳаётга, яъни ишқу муҳаббат чашмасига ташбих қилинади. Лабдан мақсад – мавжудотга илохий файз етказувчи раҳмоний нафас ва кўнглини маърифат нурига ошно этувчи илохий сўз. Кичик оғиз эса, асл моҳияти инсонга маълум илохий каломнинг тимсоли (ўқувчига тушунарли бўлиши учун қисқача тушунтириш берамиз: бир оғиз сўз айтиш учун инсоннинг ўпка, юрак, халқум, оғиз, лаб, тиш ва бошқа турли тана аъзоларининг иштироки керак бўлади. Моддий оламдан ташқарида бўлган Аллоҳнинг муқаддас каломиди қандай содир бўлишига инсоннинг ақли етмайди). Мазкур талқинни байтга қўлласак, қуйидаги маъно ҳосил бўлади: мен ёри азалинг даргоҳига жуда кўп илтижолар қиламан, ammo менинг дуо ва муножотларимга жавоб эшитмайман. Бунинг ҳикмати эса фақат Ўзигагина аён...

Агар Алишер Навоий бундай мураккаб ирфоний гоёларни биз шарҳлагандек содда баён этганда, ғазалнинг таъсирчанлиги бу даражада бўлмас, орифона гоёларнинг ўзи-да ўқувчи юрагига сингмасди. Муҳаббатни мажозий йўсинда тасвирлашдан мақсад – тирик инсонларнинг қувончу қайғуси, гам ва шодликлари, интилиш ва талпинишлари тимсол ва рамزلарда, бир-биридан гўзал тасвирлар жараёнида берилари. Шундай экан, шоирнинг ғазалларини хоҳ мажозий йўсинда, хоҳ ирфоний тушулганча ва талқинлар асосида ўқисак ва уксак, у инсон онги ва тафаккурининг бепеён олами бадий ифода этувчи буюк сўз санъаткори сифатида намоён бўлади.

Олимжон ДАВЛАТОВ

УМР ИБРАТИ

БИР ОЛИМ ДУНЁДАН ЎТДИ

Инсон умрини шамнинг ёниб ўчишига қиёслайдилар. Аллоҳнинг қудрати билан оилада бир фарзанд тугилди, ота-она унга ҳаёт шамини бағишлади. Шамнинг умри тугаб, ўчгунга қадар ундан ёруғлик тарқалиб, атрофини ёритади, шу шамни не умидда ёққанларга ҳам, бошқаларга ҳам зиё таратади. Зиёли инсонлар ҳаётини ҳам шундай баҳолайдилар. У умри борича ҳаёт шамини ёқиб, бошқаларга ёруғлик улашади, ундан ўз вақтида баҳраманд бўлганлар бу зиёдан нур олиб, бошқалар учун “шам ёқиб” ёруғ нур қолдиришга ҳаракат қиладилар...



Бир олим дунёдан ўтди, у нималар ёзиб, қандай мерос қолдиргани унинг иккинчи умрини белгилади. Филология фанлари доктори, профессор, “Сўз санъати” электрон журналининг асосчиси Мухаммадҷон Холбеков дунёдан ўтганини қайғу билан қабул қилган бўлсак-да, беихтиёр у ўзидан илм ахли учун нималар қолдирганини эста оламиз.

Олимнинг “Ўзбек адабиёти Францияда” (1999), “XX аср модерн адабиёти” (2012), “Ўзбек мумтоз адабиёти XVII–XX аср француз маданиятида” (2016), “Структур адабиётшунослик” (2016), “XX аср Ғарб модерн драматси” (2017), “Марло ва Шекспир”, “XX аср жаҳон адабиёти манзаралари” (2020) тадқиқот ва китоблари ҳамда ўнлаб мақолаларини кўз олдимизга келтирамиз. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин, бироқ айна салмокчи асарларнинг ўзиёқ олимнинг умри бекор кетмаганини, миллий адабиётшунослигимизнинг муайян бир соҳасини бойитиб турганини ёдда тутамиз.

Сўнгги ўн йил ичида профессор М.Холбеков билан илмий-адабий ҳамкорлигимиз анча фаоллашди. Олимнинг тўрт китоби “Mumtoz so'z” нашриётида чоп этилди, бу нашрларни амалга ошириш давомида бир неча марта лаб суҳбатлашдик, баҳслашдик, хозирги ўқувчи нималарни тезроқ етказиш керагу қайси масалаларни мавриди билан ўрганиш мумкинлиги ҳақида, французлар ўзбек адабиётининг қайси жиҳатларини ўрганишади, ўзбек олимлари француз адабиётшунослигидан нималар олгану яна нималарни “ундириш” мумкинлиги ва бошқа ҳам илмий, ҳам ҳаётий мавзулар ҳақида...

Эслатиш жоиз бўлса, М.Холбеков Самарқанд вилоятининг Пайарик туманида туғилган, Самарқанд давлат университетининг роман-герман факультетини тамомлаган, “Француз адабиёти ўзбек тилида (таржима тарихи ва амалиёти масалалари)” мавзусида номзодлик, “Ўзбек-француз адабий алоқалари (таржима, талқин ва танқид муаммолари)” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган, 1993 йилда профессор унвонини олган. СамДУда, Жиззах педагогика институту ва Самарқанд давлат чет тиллар университетида кафедра мудири, профессор бўлиб фаолият юритган. Ўнлаб шоғирдлари унинг раҳбарлигида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаганлар.

Илк тадқиқотларида ўзбек адабиётининг Францияга кириб бориши, француз олим ва тар-

жимонларининг ўзбек адабиётига қизиқиши тарихи масалаларини ўрганган, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Абулғози Баходирхон асарларининг Франциядаги тақдирини ёритган. Д’Ербело, Антуан Галан, Страленберг, Демезон, Дюперрон, Жобер, Флюгел, Катремер, Гамби, Паве де Куртейл, Бакье-Граммон каби француз тадқиқотчи ва таржимонлари асарларини ўрганиб, уларда ўзбек адабиёти масалаларини қандай акс этганини аниқлаган.

Адабий алоқалар тарихи ва ҳолатини ўрганишда икки жиҳат бор, бири чет эл адабиёт илмида бизнинг миллий адабиётимизга бўлган муносабат, иккинчиси, биз уларга жавобан француз адабиётининг қайси жиҳатларини ўрганишимиз жоиз, деган масала. М.Холбеков ишларида масаланинг ҳар икки жиҳати ҳам тенглик асосида ўз аксини топган. Сўнгги йилгирма йилда олимнинг тадқиқот ва мақолалар кўлами ўзбек-француз маданият мулоқоти масалалари доирасидан ташқарига қикди, олим аввалига бутун Европа, кейинроқ, умуман, Ғарб адабиётининг етук намоёндалари хусусида китоблар ёзди. Мана шу сўнгги асарлари билан Ғарб адабиёти доир илмий асарлар ва қўлланмалар масаласида биздаги етишмовчиликларни тўлдирришга ҳаракат қилди.

М.Холбековнинг “XX аср модерн адабиёти манзаралари” китобида жаҳон адабиётини модерн ва модернизм тушунчаси, Ғарб насрида модернизм, Марсел Пруст, Франц Кафка, Жеймс Жойс, Виржиния Вулф, Уильям Фолкнер, Габриэль Маркес, Луис Борхес ва бошқаларнинг ижодига хос муҳим жиҳатлар ёритилган. Олим XX аср модерн адабиётини ҳам фазилатлар ва камчиликлар ҳақида фикр юритар экан, унинг мазмуни, ранглар спектри, диапазонни жуда кенглигини, турли муаллифларнинг модерн асарларида антик давр, ўрта асрлар, Уйғониш даври, маърифатчилик, романтизм, танқидий реализм, символизм, экспрессионизм, неореализм, сюрреализм оқимларига хос услубларнинг аралашуви мавжудлигини эътироф қилади. Парадоксал ҳолат шунда яққол кўринадики, модерн ёзувчилар ўз асарларининг услубини нечоғли “янги” деб ўйласалар-да, бу услубларда антик даврдан хозиргача бўлган барча ижодий услубларнинг гоҳ синтези, кўпроқ эклектикаси кўзга ташланганини олим қузатган. Модерн ёзувчилар гоҳ



Библиянинг “Таврот” (“Қадимги аҳд”) қисмига тақлид қилиб, гоҳ антик давр юнон ва Рим адабиёти асарларидаги сюжетларни қайта ишлаганликлари (масалан, Ж.Жойс “Улисс” романида Гомер “Одиссея”сига мурожаат қилгани каби) ҳам кўрсатиб берган. Муаллиф тўғри қузатганидай, модерн адабиёт фақат бадий асарлардан иборат бўлмай, у бадиа, эртақ, тадқиқот, мактубларни ва турли мумтоз бадий асарларнинг парчаларини ҳам ўз ичига олади. Масалан, Луис Борхес ижодида теран поэтик, психологик ҳикоялар билан айна вақтда, бадиа, мақола, кичик илмий тадқиқотлар ҳам кўп учрайди.

Мухаммадҷон Холбековнинг талқинида, Эрнест Хемингуэй ва Уильям Фолкнер ижоди ҳақида жўшун ва теран фикрларни ўқиймиз. Э.Хемингуэй ва У.Фолкнерни қайноқ ҳаёт воқеалари, одамларнинг ички кечинмаларини, инсонлардаги энг кимматбаҳо бойлик – инсонийликни, жамият ҳаётидаги зиддиятларни бўяб-бежамай, ҳаётий, жонли, табиий тасвирлаш фазилати яқинлаштириб туради. Муаллиф бу икки буюк санъаткорнинг қалбидаги самимиятини, ҳаёт муаммоларини, одамларнинг ички дунёсини, мақсад ва қилмишларини ҳаққоний тасвирлашда бир-бирига “рақобатчи” эканлигини, худди шу ҳаққўйлик, инсонийликка бўлган теран ишонч сабабли бир-бирини ҳурматлашини ҳам тўғри кўрсатади.

Жеймс Жойс ижодий услубида турли услубларнинг тартибсиз аралашиб, қоришиб кетишини олим француз шоири Гийом Аполлинер кашф этган симулянтанизм тамойили билан боғлайди. Жойс романида ҳар бир эпизоднинг стилистик кўриниши ўзгаради. “Улисс”да бу ўзгаришлар асарнинг олдинги планига қикади.

XX аср Ғарб модерн драматсига бағишланган рисоласида М.Холбеков Европада фашизмга “Қаршилик кўрсатиш ҳаракати” тарафдорлари бўлган драматурглар Гарсиа Лорка, Бертольд Брехт, Луиджи Пиранделло, Самюэл Беккет, Жан Кокто, Альбер Камю, Жан-Поль Сартр, Жан Ануй, Жан Жироуд, Морис Метерлинк, Бернард Шоу, Б.Штраус, Георг Койзер, Юджин О’Нил, Торнтон Уайлдер ижодида драматургияни, театр санъатини янгилаш, антик драмага хос мифологик мавзуларни замонага мослаштириб қайта талқин этиш кучли эканини таъкидлайди.

Ушбу тадқиқотида олим Ғарб театршунослари изидан бориб, модерн драма муаллифларининг асарларини асосан янгиликлар, фалсафийликнинг қучайиши сифатида талқин қилади.

Танқиди адабиётшунос олим, Ғарб адабиёти билимдонни, профессор Мухаммадҷон Холбеков тадқиқотлари, адабий-танқидий мақолаларида XX аср адабиётини турли йўналишларни чуқур тадқиқ этди, модернизм, модерн романи ва драматси фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам ёритишга интилдди. Олимнинг “Лотин Америкаси сеҳрли реализми” тадқиқоти ҳам бу қитъа адабиёти ҳақида ўқувчига тўлиқ маълумот бера олади.

Ниҳоят, олимнинг жаҳон адабиёти бўйича олиб борган тадқиқот ва қузатишларини умумлаштирган етти юз саҳифалик “XX аср жаҳон адабиёти манзаралари” сайланма китоби нашр этилди. Унда нафақат XX аср жаҳон адабиётининг етук вақиллари ижодида оид қузатишлар, балки XXI аср адабиёти қайсика қараб кетаётгани, ундаги янгилаш ва ўзгаришлар нимада, деган саволларга ҳам муаллиф жавоб излайди. Олим шу сўнгги китобини тезлаштиришга ҳаракат қилди, унга алоҳида меҳр бағишлади. Шукрки, айна асар ҳам китобхонларга ўз вақтида етиб борди, олим ҳам китоб нашридан қаноат ҳосил қилгандай бўлди...

Хозирги XXI аср – электрон нашрлар асри. Бундан теран англаган олим кейинги 3-4 йил ичида “Сўз санъати” электрон журналини нашр эта бошлади, атрофига соҳа мутахассислари, малакали ҳамкасбларини тўплади. Бу нашр, айниқса, илмга эндигина кириб келаётган тадқиқотчилар учун фикр айтиш мнбарига айланди. Ушбу журнал муассислари ва таҳрир жамоасига ниятимиз шуки, профессор М.Холбеков бошлаган бу илмий нашр тўхтаб қолмаслиги керак.

Сўзимизнинг бошида зиёли инсон умрини шамга қиёс қилдик. Профессор Мухаммадҷон Холбеков ўз асарлари ва илмий фаолияти билан ёққан зиё маънаси адабиётшунослигимизнинг муайян бир соҳасида бўлсин унинг йўлини ёритиб, шоғирдлари ва яқинлари қалбиде алаңгаланиб туради.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, филология фанлари доктори, профессор, Маҳкам МАХМУДОВ, филология фанлари номзоди.

ЯНГИ НАШРЛАР

Сўз таърифида

Танқиди адабиётшунос олим Сувои Мели адабиёт илмида ва ижодий жараёнда ўз ўрни ва ўз сўзига эга мутахассислардан. Яқинда унинг бир йўлга икки китоби — “Сўзу сўз” (“Шарк” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти) ва “Глобал талқин поэтикаси” (“Фан” нашриёти) чоп этилди. Ки-



тобларнинг номларидан ҳам англашилди турибдики, биринчи китоб ижодкор зиёлиларга, қолаверса, барча адабиёт муҳлисларига мўлжалланган бўлса, иккинчиси, асосан, филолог мутахассислар назарда тутиб ёзилган илмий асар.

Муаллиф “Сўзу сўз” китобига ҳазрат Алишер Навоийнинг: “Авалу охиригига солгин кўз, Бил ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз” байитини эпиграф қилиб олган. Тўпلامга С.Мелининг салкам қирк йиллик ижодидан сараланган мақолалари, суҳбатлари киритилган. Бадий матнга олимнинг фалсафий қўзқарашни муайян образ ёки ҳолатни, бадий асарни ичдан нурлантириб, унга аввал қўрилмаган маъно баҳш этади, ўқувчини адабиётнинг сирли оламига олиб қиради. Мазкур китобга жамланган мақолалардаги муаллифнинг сўз санъатида ўзгача нигоҳи ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

“Глобал талқин поэтикаси” монографиясининг кириш сўзида муаллиф шундай ёзади: “Глобал маданиятни шакллантиришда маънавият маскани бўлмиш бадий адабиётнинг роли улкан. Бунинг учун инсониятнинг мавжуд адабиёт хазинасида глобал бадий маъно нукта назаридан ўрганилиши, қайта кўриб чиқилиши, яъни глобал илмий-бадий талқин адабиётшунослигининг жанговар қуролига айланиши даркор”. Айни мана шу тақлиф ва талаблар нуктаи назаридан келиб чиқиб қаралса, мазкур монография уларга муайян маънода жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Монографияда ўзбек ва жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари структур таҳлил, типологик қиёс усуллари ҳамда адабиёт фалсафаси нуктаи назаридан ўрганилган. Китобда глобал илмий-бадий талқин поэтикасини тадқиқ этиш етакчилик қилади.

Нашр масъул муҳаррири академик Наим Каримов.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

— “Қандай қилиб расом бўлдингиз?” деб сўрасангиз баъзилар ота-онаси тасвирий санъат тўғрисида олиб боргани, қимлардир устози рангли қалам ва қоғоз бериб расм чизишга қизиқтиргани, яна қайсидир ижодкор амакиси сурат чизганини кўриб расм чизишга қизиқганини айтади...

— Авлодимизда умуман расом бўлмаган. Лекин отам мебеллар ясаб, хонадонларнинг деворларини таъмирлаш жараёнида пардозлаш ишларини чиройли бажарар эди. Онамнинг айтишларича, ҳали атак-чечак пайтимадэк қўлимга қалам тушса, деворларга турли чизикларни чизар эканман. Балки мендаги кизиқиш тугма бўлса керак. Ўша пайтларда, ой-



— Илк бор ташкил этилган кўргазмага ус-

та, қираман”, дедим шахт билан. Жудаём ўжар бўлганман, олдимга кўйган мақсадимга эришмагунча тинчимасдим. Талабалар сафида мени кўриб Мухаммадийёр ака хайрон қолганди.

Тақдир тухфасими ёки сийловими, биринчи, иккинчи босқичда таниқли расом Бахтиёр Бобоев устозлик қилган. Учинчи босқичда Неймат Қўзибоевга рўпара бўлди. Октошда, амалиёт пайтида машҳур расом Раҳим Аҳмедов билан танишганман. “Қизим, қизим”, деб яхши кўриб гапирардилар. Раҳим Аҳмедовнинг институтдаги устахонасида ҳам бирга ишлаб, у кишидан мавзу ва ранг танлаш сирларидан сабоқ олдим. Расом Алишер Мирзаевдан эса композиция яратишни кунт билан ўргандим. Шу кунларда расом сифатида озми-кўпми эътироф этилаётган бўлсам, устозларим меҳнатининг меваси бу. Улардан миннатдорман.

— “Эски шахар” деб номланган илк ижодий кўргазмагиз шу элда, устозларнинг даврасида очилганига ҳам ўн беш йил бўлди. Ушундан буюн ижодингизни қузатиб келамиз. Ўн беш йил мобайнида рангтаъсир оламида ўзингиз учун нималарни кашф этдингиз?

— Илк бор ташкил этилган кўргазмага ус-

химиздан сўзлайди. Кўпроқ миллий анъаналарга бой манзараларни чизиш жону дилим. Эски шахарга, эски маҳалларга бориб тор кўчаларни излайман. Вилоятларга сафарга бориш ҳам кўш ёқади. Кунни кеча Тошкент вилоятининг Пскент туманида бўлдим. Ишқом-ишқом узумлар фарқ пишган, тилла суви югуртирилгандек ялтирайди. Сархил меваларни кўриб кўзингиз яйрайди. Устахонада бафуржа ишлаш учун кўплаб чиройли композициялар, манбалар йиғиб келдим. Ҳозир шу асосда туркум асарлар яратиш устида ишлаяпман. Мамлакатимизнинг сўлим табиати бизга мавзу беришга қўлмай, ажойиб рангларни ҳам тортиқ этади. Она табиатнинг ўзи устоз десам, муболага бўлмас.

— Бугун ижодингиз айна камолот палласисиз. Шу вақтгача яратган асарларингиздан қониксангизми?..

— Расом бир умр изланади, меҳнат қилади. Ҳозир рангтаъсирнинг юқори чўққисига чиқдим деб айтолмайман, лекин ижод қилаяпман, ўсяпман. Эҳтимол, иккинчи, учинчи поғонага чиқкандирман. Лекин ҳали анча зинапоаялар бор. Бир йилда тўрт марта шахсий кўргазма намойиш этилган пайтлар бўлди. Ушбу кўргазмалардан ўрин олган асарлар бири бирини такрорламади, ҳар бир кўргазмадан янги мавзудаги асарлар ўрин олди. Расом мунтазам изланиши керак.

Ўтган йили Москва, Боку шаҳарлари ва Қримда ижодий қилаётган бўлдим. Ўша худудларда яшаб ижод қилаётган расомлар ижодини томоша қилиб, хайратландим,

ститутни энди битирган ёш расомларда тезроқ машҳур бўлиш, танилиш, ишларини қимматга сотиш мақсади борлиги сезилди. Кўп ёшлар тушунар-тушунмас абстракция, инсталляция йўналишида ижод қилишга уринмоқда. Оқ матога бир икки бўёқни суртиб чаплаштиради, нималигини сўрасангиз “мен бу манзарани шундай кўряпман”, деб жавоб беради. Бу билан фақат ўзини ўзи алдайди, вақти ўтади.

Агар профессионал абстракция бўлса, унда тугалланган ечим якқол кўзга ташланади. Бундай асар ишлаш учун, аввало, мактабда қарра жадвалини ўргангани каби, академик расомлик санъатини пухта ўзлаштириш керак. Ёш расомларга фойда топишининг, машҳурликнинг ортидан югурманг, деган бўлардим.

— Ўзбекистон тасвирий санъатининг юз йиллик тарихига назар солсак, портрет, манзара, натюрморт каби жанрлардаги асарлар мўл эканини кўраемиз. Мухлисларни яна қандай йўналишлар, янгиликлар, гоёлар билан хайратда қолдириш мумкин. Назаримда, кўргазмадан ўрин олган асарларингизда ранг бирламчи, мавзу эса иккитламчи. Соф миллий асарлар десақ, тўғри бўлади, менинчга. Реализмдан бошқа услубда чизиш режангизда борми?

— Тасвирий санъатга ўзгартириш, янгилик киритиш учун бетиним ижод қилиш керак. Ижод жараёнида ўз-ўзидан турли йўналишлар тугғилиб қолади. Жараён қан-



ТЕАТР ВА ТОМОШАБИН ҲАМНАФАС

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Иш бошлаганида ҳаёлимга бир нарса келди. Яъни тоза, озода, хушхаво, сарангом жойда фойз-барак, соғлом муҳит бўлади. Томошабин театрда қандай кўйган захоти унинг маънавий, маърифат ўчоғи эканини ҳис қилиши керак. Бунинг учун ишни озодаликдан бошлади. Икки ҳафтанинг олти кунини жамоа билан хашар қилдик. Айниқса, ёшлар фаол бўлганда, чўчиб, хайкиб эмас, чин дилдан кўмаклашганидан хурсанд бўлдим. Навбатда техник камчиликларни бартараф этиш вазифаси турбди. Бу борада ҳам аллақачон ҳаракатини бошлаб юборганмиз. Спектакль олдидан томошабинлар тўпланадиган фойеда кўп йиллардан буён иситиш тизими ишдан чиққанди, электр тармоғи билан боғлиқ камчиликлар ҳам етарли. Албатта, бу ишларни жамоанинг ўзи бажариши кийин. Шу ўринда ободонлаштириш ишларида бизга ёрдам бераётган “Дўстлар клуби” ҳамкоримиз “Ўзкимёсанот” акциядорлик жамаияти раҳбарияти, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ободонлаштириш ва электр тармоқлари масъулларининг хизмати, ёрдамини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Техник ва маънавий хизматни яхшилаб, ҳодимларга юз фойз қулай шароит яратиб бериб, кейин иш талаб қилсак, тўғри бўлади. Аввал юқориди айтилган вазифаларни бажариб, театрни ободонлаштириб олсак, кейин спектаклларимиз билан томошабин қалбини ободонлаштирамиз, деб ўйлайман.

Лекин бу ҳозир ижодий режалар бир чеккада турибди, дегани эмас. Бизнинг асосий вазифамиз томошабин, муҳлис қалбига маънавий озик, руҳий кўтаринкилик, маърифат, маданият олиб кириш. Бу йўлда амалга оширадиган дастлабки ишмиш Маданият вазирлиги билан бамаслаҳат театр Бадний кенгашининг янги таркибини шакллантиришди. Яъни театрда яққақоқлик бўлмади, ҳамма ишни бамаслаҳат, келишиб қилаемиз. Репертуар ортидан, режа ортидан югуриш ниятим йўқ. Бугун бизга сон эмас, сифат керак. Бу масалада театримиз адабий эмақдоши, таниқли шоир Усмон Азим билан келишиб олдик. Усмон ака ёзувчи ва драматурглар билан ишлаб, асарларни ўқийдилар. Ҳар бир асарни чертиб-чертиб оламиз ва Бадний кенгашга тақдим этаемиз.

Ижод ва актёрлар масаласига қайтсак. Театрга муҳаббатни, аввало, институтдан бошлаш керак. Ҳар бир талабага, биринчи навбатда, ўзи борган театрни севиши, ўша жойда ижодни қойиллатиб малака ошириши, ўрнини мустаҳкамлаб олгандан кейингина ўзини бошқа санъат турларида сынаб кўриши лозимлигини уқтириш зарур. Мен ҳам, Эркин Комилов ва бошқа тенгдошларим ҳам фаолиятимизни оммавий сахналарда қатнашишдан бошлаганмиз. Нимани бузоришса, шунни бажарганмиз, сахнанинг чангини ютганмиз. Кўриб турганингиздек, ёмон бўлганими йўқ. Афсуски, бугун ёш актёрлар клипа, сериалда суратга тушсам, тезроқ машҳур бўлиб кетаман, деб ўйлашади. Шунинг учун театримиздаги иқтидорли ёшларга: “Шу даргоҳда ижод қилар экансиз, биринчи ўринга театрдаги ишни қўйишинлар керак. Менга шу ердаги фаолиятинлар муҳим. Театрга фидойи бўлган актёрни шухратнинг ўзи қидириб топади”, дедим. Масалан, бош режиссёр Аскар Холмўминов истейододли ёш ижодкор. Агар ўз устида жиддий изланса, Европа, Россия, Англия классикаси, ўзимизнинг мумтоз адабиётимизни, замонавий ёзувчиларнинг асарларини янада кўпроқ ўқиса, ўрганса, кўп нарса ютади.

Саҳна асарлари масаласида режаларимиз кўп. Лекин асосий мақсадим биринчи навбатда улуг мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига муносоиб соғва тайёрлаш. Шу мақсадда замонамизнинг буюк режиссёри Баҳодир Йўлдошев билан маслаҳатлашиб, асосан, ёшлар иштирокида “Садиқ Исқандарий” асарини сахналаштиришни ният қилдик. Назаримда, Баҳодир Йўлдошев билан ишлаш ёш актёрлар учун катта мактаб бўлади. Биз шу театрда Баҳодир ака билан бирга келганмиз. У биздан актёр, биз ундан режиссёр “ясанамиз”. Илоҳим, ўйлаган ниятларимиз амалга ошсин.

Театр томошабинлар билан тирик. Тезроқ пандемия чекиниб, залимиз муҳлислар билан тўлиқ бўлишдан умидвормиз. Томошабин театрни севса, биз унга ҳалол хизмат қилишга тайёрмиз.

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА ДЎСТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистонда бир оила фарзандларидек ахил ва иноқ яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу мамлакатимизда олиб борилаётган ўзаро аҳдлик, ҳамжихатлик, бағрикенгликни таъминлаш борасидаги сиёсатнинг амалий натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ўтказилган “Миллатлараро тутувлик ва дўстлик — тараққиёт омили” номили китоблар кўргазмасида шу ҳақда сўз борди. Кўргазманинг очилишида аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим экани таъкидланди.

Юртимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга оид кўплаб ташаббуслар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Адабиёт муҳлислари ўзбек ижодкорлари билан бирга Абдурахмон Жомий, Махтумқули Фироғий, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматов каби адиб ва шоирларнинг асарларини ҳам севиб мутулаа қилади.

Тадбирда Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази раиси Серикбой Усенов “Абай абадияти”, Республика туркман маданият маркази раиси ўринбосари Гулдона Вездуурдиева “Ўзбекистон — Туркманистон Президентларининг китобхонлига эътибори”, Республика озарбайжон миллий маданият маркази раиси Фирдоуси Гусейнов “Озарбайжон мутафаккирлари асарларининг мангулиги” мавзусидаги маърузалари билан иштирок этди.

“Миллатлараро тутувлик ва дўстлик — тараққиёт омили” мавзусидаги ушбу кўргазмада турли миллат ёзувчилари ва шоирларининг китоблари, миллий маданият марказлари фаолларининг асарларига кенг ўрин берилгани эътиборлидир.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ

МАТОГА ПУКЛАГАН ТУЙЛУЛАР


лаларда боласини тўғаракка олиб бориш жуда кам учради. Ота-онамдан ҳар доим расомлик тўғрагига олиб боришларини сўрадим. Улар “хўй” дейишардию лекин ҳафсала қилишмасди. Онам боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган пайтларида ёнларида юрардим. Туш пайти ҳамма болалар ухласа, ёстиғимнинг тағига яширган рангли қаламларни олиб, секин расм чизишни бошлардим. Менинг иштиёқ билан расм чизаётганимни кўрган тарбиячи Мавлуда опа шундай дегани эсимда: “Нигора опа, бу киз хақиқатан ҳам истейододли, расомликка олиб бориш керак”. Ойим эса “Ҳамма болалар кичкиналикда расм чизади, кизим ҳали ёш, эсидан чиқариб юборади”, деб ўйлаганлар. Шунга қарамай тугилган кунимга расмли альбом соғва қилганлар. Суратларни чиройли бўяб, тўлдириб қўйганман. Уйдагиларга кўрсатсам, ҳеч ким мен чизганимга ишонмаган. Уларнинг ишонилмаганидан йингиланман.

Расомларнинг ҳаёти ва ижодини фақат телевизорда кўрадик. Бундай кўрсатувларни қимирламай томоша қилардим. Тўртинчи синфда ўқиётган пайтим, уйимизнинг орқасидаги боғча ёш расомлар устозлари билан келиб, боғдаги дарахтларга қараб расм чизаётган эди. Ҳаётимда биринчи марта расомларни кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Уларнинг устози Эдуард Тушаковнинг олдига келиб, расм чизишга қизиқишимни айтдим. У киши тасвирий санъат тўғрисида боришимни айтганда, ойимнинг ҳузурига югуриб кетдим. Ойим ошхонада ҳамир ёяётган, қўллари ун эди. Тез мен билан боришларини сўрадим. Айтганимга қулоқ солиб, боғча келдилар ва Эдуард ака билан суҳбатлашдилар. Ўша воқеа ҳаётимда катта роль ўйнаган, деб ўйлайман. Биринчи устозим педагог ва расом Эдуард Тушаков бўлган. Ўша пайтда ҳам ўзимга талабчан эдим, вазифа беришди, охиригача бажаришим керак, деб ҳаракат қилардим. Тўғарақдан кейин Республика ихтисослаштирилган санъат мактабига уч йил ўқидим. Ҳамма ўқувчилар биринчи синфдан боришса, мен саккизинчи синфдан ўқий бошлаганман. Ота-онам ўқитувчи бўлишимни орзу қилишарди. Мен эса ижодкор расом бўлиш иштиёқимда ёнардим.

Эсимда, бир кунни негадир мени ҳеч ким тушунмаётгандек туюлиб, троллейбусда йнглаб кетдим. Ёнимдаги ўриндикда ўтирган бир киши “нега йнглайсан?” деб сўради. Қайта сўраганидан кейин “Расомлик институтига ўқишга кирмоқчиман”, дедим. Ёнимдаги одамни Хизр бува рўпара қилганми, дейман, “Дўстим ўша институтда талабаларга сабоқ беради. Манзилини ёзиб бераман, бориб учрашгин”, деди. Институтга борганимда мени профессор, расом Неймат Қўзибоев кутиб олди. Бу ҳам омадим эди. “Қайси факультетга топширасан?” деб сўраб қолишди. Нима дейишни билмай, “Мойбўёқда сурат чизаман, ижодкор расом бўламан”, дедим. Хуллас, маҳорбатли сурат чизиш факультетига хужжатиمنى топширдим. Ўша пайтларда бу санъат даргоҳига кириш учун сурат чизиш керак эди. Талаба бўлишга қадар тўртинчи, бешинчи босқич талабалари орасида сурат чизапман. Расом Мухаммадийёр Тошмурадлов, “Бу ерда нима қилиясан?” деди. “Сурат чизапман”, деб жавоб бердим. “Бу институтга кириш жуда қийин, қира олмайсан”, деди. Шундоқ юзларига қараб, “Шу институтга қираман дедимми, албат-

тозим, Ўзбекистон халқ расоми Раҳим Аҳмедов “ок йўл” тилаб тадбирни очганларининг ўзи катта бахт, деб биларман. Қизларни Элмира опа эса кўргазма экспозициясини ташкил этишда катта ёрдам берганди. Ўша илк тадбир ижодий фаолиятимнинг шаклланишида катта аҳамият касб этди. Устозим Раҳим ака шундай деганди: “Дилором, мен сенга ишонман. Сен ҳақиқий ижодкор расомсан. Агар шундай бўлмаганида кўргазманга келмасдим”. Устознинг гапларидан таъсирланиб, илҳомланиб, ижодга жиддий киришдим. Назаримда, устозим ҳамон ижодимни қузатиб тургандек, шу боис ҳар бир ишга масъулият билан ёндашаман.

Биласизми, вақт ўтган сари расом ҳар бир дақиқанинг кадрига етишни ўрганади.



Мен вақт шунчаки ўтиб кетишини хоҳламайман. Кўпроқ ижод қилишни, ишлашнинг керак. Жаннатмакон Ўзбекистонининг манзараларини қанча кўп ишласам, шунча тарихда қолади. Мамлакатимизда беш йил ичида жуда катта ўзгаришлар бўлди, янги бинолар, янги шаҳарчалар қурилмоқда. Биз расомлар Ўзбекистоннинг эски кўринишини, эски маҳалларини тарихга қолдириш учун ҳам суратини чизишимиз керак. Масалан, Ўзбекистон давлат санъат



музейида сақланаётган тасвирий санъат асарларининг аксариятида ўтган аср расомлари чизган уйлари, кўчалари, ҳовлилари, ота-боболари, урф-одатларини кўриб завқланамиз. Композициялардаги қадим уй-рўзгор буюмларидан тортиб либосларгача миллий анъаналаримиз, тари-

илҳомландим. Дунё кезиш, одамлар билан суҳбат қилиш ҳам кўпгина сир-синоатлар эшигини очди. Ижодкор одам фақат танилган расомларнинг эмас, энди ижодини бошлаётган ёш расомларнинг кўргазмасида ҳам иштирок этиши керак. Базан ёш бола ишлаган суратни кўрсангиз, композиция шундай муносиб рангларда ифодаланган бўладики, сифати ҳатто катта расомларникидан таъсирчан чиқади.

Томошабинларнинг муносабатларини, фикрларини Интернет саҳифаларида ўқиб бораман. Мухлисларим эътиборида эканимга шукр. Тўғри, ўзбек аёлига ижод қилиш қийин. Агар ҳар бир аёл касбини чин дилдан ардоқласа, ишлашни хоҳласа, удасидан чиқади. Эрталаб саккиздан кундузги бешгача ишлаш тартибимга риоя қиламан. Қолган вақтни ош-овқат, рўзғор, бозор-ўчар, болаларимга ажратаман.

— Ғайратингизга кўз тегмасин. Ижодга нима куч беради, нимадан илҳом оласиз? Бадний академияда бўлиб ўтадиган кўргазмалар хақидаги фикрингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ватанимдан илҳомланаман, юртдошларимдан куч-қувват оламан. Маҳалаларда бўлган, одамлар билан суҳбатлашаман, самимий, содда одамларнинг суҳбатларидан, яшаш тарзларидан илҳомланаман. Устахонада илҳом келишини кутиб ўтирмайман. Баъзи расомлар “Қачон илҳом келса, чизаман”, дейишади. Илҳом ҳам, мавзу ҳам табиатнинг ўзида муҳассам. Иш бошлаганимдан сўнг бўёқларга киришиб кетаман. Оллоҳ мени қўллайди, ранглар пардасини очиб беради, мавзу йўллайди. Айниқса, ўзингга нисбатан яхши муносабатни ҳис қилсанг, илҳом жўш уради.

Ўзбекистон Бадний академияси томонидан расомлар учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Айтайлик, хорижий мамлакатларда расомлар ҳар бир кўргазмаси учун пул тўлайди. Бизда эса барча турдаги кўргазмалар бепул. Бадний Ижодкорлар уюшмаси аъзоси бўлсанг, кўргазмаларга қатнашсанг, ҳаракатингизни кўришади, фақат ариза ёзсанг бўлди. “Тожсимон” вирус тўғрисида тадбирларимиз тўхтаб қолган эди.

ча мураккаблашарсиз, ўзинг билмаган ҳолда янги қирралар очилади. Ўзимга келсак, шу кунга қадар ишлаган асарларим доирасида айланганим келмаяпти. Ўн беш йил ичида рангтаъсирнинг турли кўчаларига кириб чиқдим, ҳар хил йўналишда ишладим. Расом изланганда ўзгариб бораверади. Агар расом қалбдан ҳис қилган туйғуларни бир йўла матога тўкса, ўшанда ҳақиқий асар яралади.

— “Эски шахар” ижодий гуруҳи аъзосисиз. Айтнинг-чи, гуруҳ ўз олдида қандай мақсадларни қўйган?

— Илк кўргазма “Эски шахар” деб номланган эди. Гуруҳ эса шу ном билан тўсатдан тузилди. Таниқли расомлар Абдуҳаким Каримов ва Дилмурод Йўлдошев устaxonамга келиб, ижодим билан яқиндан танишганимиз. Дунёқарашимиз, руҳиятимиз тўғри келди, дўстлашдик. Бу расомларнинг нафақат ижоди тоза, балки ўзлари ҳам самимий, меҳнатқаш инсонлар. Шукр, узок йиллардан буён бирга ишлаяпмиз. Хорижий давлатларда бирга кўргазмалар ташкил этаемиз. Битта гапдан бир-биримизни тушунамиз. “Эски шахар” гуруҳини муҳлислар танийди, дарров “Учта расомми?” дейишади. Биз гуруҳимиз билан асарларимизни ўзаро муҳокама қилаемиз. Камчиликларимизни кўрсатиб, маслаҳатлашамиз. Ўзим ҳам маслаҳатларни тўғри қабул қилиб, камчиликларимни тузатишга ҳаракат қиламан.

— Тенгдошларингиз ижодини қузатиб борасизми? Ижод учун қайси фасл қулай, деб ўйлайсиз. Сурат чизишдан толиққан вақтлар ҳам бўлганми?

— Тенгдош расомлардан Тоҳир Каримов, Рустам Зийдуллоев каби расомларнинг ишлари маъқул. Римма Гаглоеванинг ишлари ҳам яхши. Гуруҳимиз аъзоларининг ишлари ҳам ёқади. Бошимда ижодимиз ўхшаб кетаётган эди. Бора-бора ҳар биримиз ўз услубимизни топиб олдик. Чизишдан толиқиб ҳаёлимга келмаган. Мақтанамас-ку, бутун ҳаётимни рангтаъсирга бағишладим. Оллоҳ менга шу санъатни юқтирдими, ижод қилишим керак, деб тушундим. Устозим Раҳим Аҳмедов ранг сезишни ўргатиб, ўқитиб бўлмаслигини кўп айтарди. Оллоҳга шукрки, шу нарса менга насиб этган экан.

Хар фаслнинг ўзига хос гашти бор. Кузни қизил, сарикка бўяйсиз, ёзда ҳам қуёшни ўйнатиб чизса бўлади. Баҳорда дарахтларни ранг-баранг чизиш мумкин. Қишда рангларни чиқариш бирмунча қийин. Табиат бағрида оппоқ қорни чизаман. Тасаввур қилинг, қор ёққандан кейин қуёш чиқади. Қуёш тик қўтарилганда, қорлар ғаройиб ялтирайди. Шу гўзалликда ранглар жилланади. Ана шунини чизаман. Режаларим бисёр. Пандемия сабаб Санкт-Петербургда иштирокимсиз кўргазма очилди. Йўллар очилгандан кейин Россиянинг турли шаҳарларида шахсий кўргазма очиб, маҳорат дарслари ўтишни ўйлаб қўйганман. Чет эллик расомлар ижоди кучли, зўр дейишади. Бизнинг юртимизда ҳам кучли расомлар бор. Фақат ўзбек ижодкорларининг ишларини тартиб қилиш керак. Катта кўргазмалар ташкил этиш, бу каби тадбирларни кенг миқёсда реклама қилиш зарур. Бугун бизнинг вазифамиз берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Сарвара ҚОСИМОВА суҳбатлашди

Ғулом МИРЗО



ОФТЮБГА ҚАЙТАМАН, НУРГА ҚАЙТАМАН

Яна қушдай учар ҳушлар.
Яна жим-жим эгилгайдир
Мухаббат пойига бошлар...

Сиз

Қўлимни узатсам — етадиганим Сиз,
Гулимни узатсам — тутадиганим Сиз.
Соғинчнинг сап-сарик чечаклари-ла
Дилимни безатсам — кутадиганим Сиз.
Сизсиз куним ўтмас... Сизсиз ўтган ой —
Йилимни кузатсам — ўтадиганим Сиз.
Сизсиз ғамим битмас, на битар толе,
Чин сўзимни битсам — битадиганим Сиз.
Ох, бунча саркашман, дунёни дунда
Феълимни тузатсам — ютадиганим Сиз.
Не алам, бахт қуши ортидан гирён
Қоладиган мен эсам — кетадиганим Сиз.
Қўлимни узатсам — етадиганим Сиз...

Инсими ё парисиз — келдингизу дуч,
Оту зотингизни билалмай доғмен.
Сизни орулаган ҳаёлларим пуч,
Лаҳзалик висол — Сиз,

Мангу фироқ — мен.
Дийдам дийдорингиз дейди-ку, нетай?
Бу ғам юрагимни ёйди-ку, нетай?
Кўзим куйди, ўзим куйдим-ку, нетай —
Ичида ўт қалққан
Икки қирғоқмен.
Лаҳзалик висол — Сиз,
Мангу фироқ — мен...

Кўзингиз — иккита чўғ-олов,
Ўзингиз — биттасиз.
Қошингиз ёғдирар кўп бало,
Бошимга етасиз?..
Боқасиз — юракда киприклар
Гулхани ёқасиз.
Ёқасиз — кетаркан кўприклар
Гулхани ёқка Сиз.
Лабингиз халитдан хун дегай,
Тинимсиз бунчалар.
Тилингиз индамай, индамай
Дилингиз, гунчалаб,
Тишингиз гавхарин гавғоси
Хар бири — бир бозор.

Ишк бахрин жамики гаввоси
Шул дурга харидор.
Сочингиз — сарин бўй таратган
Сергулув, шўх шамол.
Сарвини рашк ичра қаритган
Қаддингиз — не ниҳол?
Қўлингиз — парвозга шайланган
Қўш қанотмикин ё
Кўксингиз ганжини пойлаган
Икки оқ аждаҳо?
Лутф этиб, боз суҳан ахтардим
Айттали қулоққа.
Васл деб сиргадай саргардим, —
Осилдим фироққа.
Кўнгил — хун, хол —
Забун, тил — тугун,
Рухимда жилзила.
Хукм этманг: “Қалайсиз?!” деб, бугун —
Олтинингиз бўлай!..

Турналар, сиз билан бирга қайтаман,
Киндик қоним томган ерга қайтаман,
Сизнинг тасбеҳингиз — менинг ташбеҳим,

Шода-шода тизиб, шеърга қайтаман.
Юз йилки, ичкиқор доғ бўлди дилим,
Энди қизгалдоқор кирга қайтаман.
Қаҳратон қаҳридан, зулмат бағридан
Офтюбга қайтаман, нурга қайтаман.
Ахир, қачонгача гирён, саргариб,
Соғинганда — хавотирга қайтаман?..
Турналар, сиз билан бирга қайтаман...

Севгидек келасан қутилмаганда,
Биламан, барибир, суясан.
Сўзингда — писанди, кўзингда — ханда,
Сен мени ҳаммадан олиб қўясан.

Сенингиз юрак — муз, дунё — қаҳратон,
Мени соғинтирган офтобўясан.
Кўзим жылгаларин эритиб, қачон —
Сен мени ҳаммадан олиб қўясан.

Висолингга тўймадим, ахир,
На Сен фироқ айлаб тўясан.
Ногаҳон, баҳордек келасан-да бир, —
Сен мени ҳаммадан олиб қўясан...

Яна...

Яна қошлар ота бошлар
Кўнгил кўзгусида тошлар.
Яна чил-чил синар кўнгил,
Яна зил-зил ботар тошлар.
Яна сўзлар қота бошлар —
Маним жоним ҳовучимда.
Яна кул-кул-ку бардошлар
Анинг булбул товушиндан.
Яна кўзлар — соҳир кўшиқ,
Оқлар-қаролар қарошлар.
Яна хил-хил етилгай ишк,
Яна сим-сим оқар ёшлар.
Яна сочлар сочар тушлар,

«Кўзги ландшафт»



Фестивали

Тадбиркор Зухриддин Сайфиддиновни нафақат Тошкент вилояти, балки Россия, Қозоғистон, Тожикистон давлатларининг табиат ва гўзаллик шайдолари яхши билишади. У ўз фаолиятини маҳаллий атиргуллар ва мевали дарахтларни етиштиришдан бошлаган. Дастлаб тўққиз гектар ерда иш бошлаган тадбиркорнинг хозирги кундаги ер майдони саксон гектарга етди.

Кўп йиллик тажрибаси давомда фарзандлари билан бирга турли навадаги гуллар, мевали, манзарали дарахтлар, кўп йиллик бута ва бута-симон гулларни етиштириб келмоқда.

Кунни кеча Зангиота туманидаги “Захриддин фловес плантейшн” боғида “Кўзги ландшафт фестивали – 2020” Эко байрами бўлиб ўтди. Байрамда флористика бўйича мастер-класс, вермикомпост ёки биоғумус ишлаб чиқариш технологияси, хайрия аукциони, ўсимликларни кишга тайёрлаш, лоторея ва викторина ўйинлари бўлиб ўтди. Яшил оламини сеувчилик орасида Ўзбекистон халқ артистлари Рустам Саъдуллаев ва Муқаддас Холликованинг борлиги эжабайрам файзига файз қўшди.

Муаллиф олган суратлар

Даврон АХМАД

ЭШИТГАНЛАРИМ

ОРЗУЛАР АБАДИЙ

- Яқинда “Бўрилар ва қўйлар” номли китобни ўқидим, одамлар ҳақида экан.
- Эътибор бермасанг қанча нарса қилинмасдан қолиб кетади. Агар эътиборлироқ бўлсанг кўп нарсаларни қилмасликка тўғри келади.
- Яхшиям, тушда кўрганларим тушда қолди.
- Аввалги китоби сув қўшилган пивога ўхшарди. Буниси эса пивога сув қўшилгандек.

- Саволингиз жуда маънилик, жавобларим билан уни бузгим келмаяпти.
- Илм мени ўз ихтиёрим билан ишлашга ўргатди.
- Одамларга ниманинг устидан қулаётганларига қараб баҳо бериш мумкин.
- Орзулар абадий, холос.
- Қойил, ўтган қора кунларда ҳам оқлигича қолди.

Мухаммадjon ТОШБОЛАЕВ, профессор



КУЗ

ОБУНА ~ 2021



Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”га 2021 йил учун обуна давом этмоқда. Келгуси йилда сиз:

- ✓ мухтоз ва замонавий адабиётимизнинг сара намуналари, назм, наср ва бадий публицистик асарлар билан ошно бўласиз;
- ✓ жаҳон адабиётининг энг яхши таржималар;
- ✓ адабиётшунос олимларнинг илмий-таҳлилий мақолалари;
- ✓ юртимиз ва жаҳон санъат олами янгиликлари, санъат ва маданият тадбирлари ҳақидаги таҳлилий мақолалар;
- ✓ ёш истеъдод эгаларининг энг сара шеър ва ҳикоялари билан танишиб борасиз.

Севимли “ЎзАС”га обуна бўлишни унутманг!

Индекс: Жисмоний шахслар учун — 222. Ташиқотлар учун — 223.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ташки ишлар вазирлигига тегишли, Тошкент шаҳар Мировоб тумани Амр Темир кўчаси 3-уй манзилда сакланган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда 1. “Эника” русумли, давлат рақами 01/068 HEA, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 31 453 000 сўм. 2. “Эника” русумли, давлат рақами 01/085 EDA, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 31 929 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 15 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар 2020 йил 11 декабрь куни соат 16:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 15 декабрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2020 йилнинг 30 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризалар 2020 йил 28 декабрь соат 16:00 гача қабул қилинади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини “RMM” МЧЖнинг ХАТБ «Давр банк» Олмасор филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (71) 237-23-86. Гувоҳнома №001805.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”да бошлангич баҳоси очиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги давлат персоналлаштириш марказининг 2020 йил 6 ноябрдаги 648-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Боғишамол кўчаси 160А-уй манзилда сакланган “Дамас” русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/601 ОАА бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 32 699 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 27 ноябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2020 йил 25 ноябрь куни соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Юқоридаги автотранспорт 2020 йил 27 ноябрь кунда сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 11, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ХАТБ “Давр Банк” Яқкасарой филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069. СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (71) 237-23-91. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 001805.

Ўзбекистон Бадий академияси жамоаси Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, атоқли рангташвирчи раббим **ҲАКИМ МИРЗАҲАММЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасига тегишли, Тошкент шаҳар Олмазор тумани Шифокорлар кўчаси манзилда сакланган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда 1. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/075 DCA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 11 830 000 сўм. 2. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/696 FBA, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 13 314 000 сўм. 3. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/766 TBA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 13 489 000 сўм. 4. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/073 DCA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 13 004 000 сўм. 5. “Газ 3102311” русумли, давлат рақами 01/225 TCA, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси — 15 071 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 14 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар 2020 йил 11 декабрь куни соат 16:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 14 декабрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2020 йилнинг 29 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризалар 2020 йил 25 декабрь соат 16:00 гача қабул қилинади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини “RMM” МЧЖнинг ХАТБ «Давр банк» Олмасор филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (71) 237-23-86. Гувоҳнома №001805.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси Амиркул Қаримовга онаси

ТОШОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: **uzas** akfa

Бош муҳаррир **САЛИМ АШУРОВ**

Тахриратга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктадан фарқланishi мумкин.

Маскув котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хуснов АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томондан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Алали - 5018. Бюроғига Г - 1155.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топириш вақти - 21.00.
Босишга топиришда - 22.05.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2313-614X

